



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

**Жўраева Гулмирахон Зуфаржон Қизи**

*Фарғона Давлат Университетимустақил тадқиқотчиси*

**БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРГА  
ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ**

## **Аннотация**

Мазкур мақолада бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатини шакллантиришнинг педагогик мазмуни, йўналишлари ва тамойиллари тадқиқ этилган. Шунингдек, бугунги глобал ахборот маконида ахборотдан тўғри ва оқилона фойдаланиш орқали ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш йўллари ва педагогик вазифалари ёритилган. Бу борада янгича таълим технологиялари ва таълим методикасининг зарурлиги, шу маънода, Веб-қидирив технологияси имкониятларидан фойдаланиш зарурати очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, ахборот хуружи, кибернетика, Ахборот эркинлиги.

Бугунги глобалашаётган оламда теран тафаккурга ва кучли илмий салоҳиятга эга кадрларни тарбиялаш ҳар бир жамият барқарор ривожланишининг муҳим гаровидир. Мамлакатимизда ҳам салоҳиятли олий таълим муасасаларига ва уларда етишиб чиқадиган янгича дунёқарашга эга рақобатбардош кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Зоро, «биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо бугунги кунда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур»[1]. Шундай экан, учинчи минг йилликда ахборотлаштириш билан боғлиқлиқда юзага келаётган хавф ва таҳдидлардан химояланиш муаммоси замонавий шароитда алоҳида тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Ахборотлар таҳлилига, унга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришга доир масаласига қатор тадқиқот



ишлари бағишенгандан бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқот иши ҳам бу соҳадаги изланишларни тўлдиришга ва мавжуд муаммоларга нисбатан янгича ёндашувни ишлаб чиқишига қаратиленлиги билан ажралиб туради.

«Ахборот» тушунчаси илмий муомалага 1928 йилда америкалик олим Р.Хартли томонидан техник алоқа каналлари бўйлаб тарқатилувчи маълумотларни миқдорий ўлчаш мезонини белгилаш учун киритилган. Ҳозирда бу атама ҳар хил маъноларда қўлланилмоқда. Ахборот айрим (маиший) ҳолларда одамлар томонидан бериладиган маълум нарса ёки ҳодиса ҳақидаги маълумот, баъзида (кибернетика) - тартибга солинган ўзгартириш, тизимнинг ташкил этилганлик ўлчови, бошқа вазиятда-объектларнинг ранг-баранг жиҳатларини ифодалаш, акс эттириш тушунилади. Ахборотнинг моҳиятига нисбатан қарашларнинг кўплигига қарамай, бу тушунчага ҳанузгача аниқ умум эътироф этилган таъриф берилгани йўқ, баъзан бундай таърифи бериш мумкин эмас, деган фикрлар ҳам учрамоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «ахборот» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Ахборот – замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ эса ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумотdir»[2]. Демак, бугунги глобаллашган маконда ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш турли тажовузларни олдини олишга хизмат қиласи. Бу жараёнда ёвуз ниятли кишиларнинг кирдикорларига қарши кураш билан бир қаторда турли даражада келтирилиши мумкин бўлган зарарларнинг ҳам олди олиниши, табиий. Ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабат шахсда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиради ва бу турли ахборий таҳдидлардан ҳимоялавчи кўникмаларни ҳам шакллантиради.

Педагог олим Б.Ходжаев глобал ахборот майдонида шахсда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш заруралигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, «ахборот истеъмоли маданияти» тушунчаси асосида шахс ахборот хавфсизлителлининг учта асосий даражаси акс этади: умумий, касбий ва мазмунли-қадриятли. «Шахсда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантиришнинг мазкур даражалари аниқ мезонларни танлаш ва шахсий ривожланганлик кўрсаткичлари билан боғлиқ. Ахборот истеъмоли маданияти тизимидағи когнитив-операцион ва ташкилий таркибий қисмлар универсаллик, ахборий фаoliyatnинг фанлараро алоқадорлиги, шунингдек инсоннинг турли хил фаолият тизимидағи умумлашган тавсифини акс эттирувчи компьютер саводхонлиги билан белгиланади»[3]. Демак, ахборот истеъмоди маданияти шахснинг ижтимоий-таълимий ривожланиши билан боғлиқ жараён бўлиб, ижтимоий муносабатларда чуқур тажрибага эга бўлган ёшнинг ахборот билан ишлаш кўникмаалри ҳам ривожланган бўлади.

Дунё ягона ахборот маконига айланган бугунги кунда бирор ахборотнинг йўлига сунъий тўсиқ қўйиб бўлмайди. «...дунёга юз очган, ёшлари дунё тилларини бемалол эгаллаб, “интернетомания” касалига чалиниш арафасида турган юртимизга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсиirlар, турли хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсиirlардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир»[4]. Педагогик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш таълим олувчиларда ахборот психологик хавфсизлигига доир билимларини ошириш, таълим тизимини такомиллаштириш билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Учинчи минг йиллик кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча жабхаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичидаги ва ташки дунёдаги фаол ахборот алмашувига одамлар эҳтиёжининг жуда ортиб боришидир. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан



ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, унинг жамоатчилик ва давлат ҳайтидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги XXI асрдаги одамзот тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омилларнинг бири бўла олади. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини хисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Шунингдек, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги белгилаб қўйилган бўлиб, шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳайтига таалуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12<sup>1</sup>-моддасига биноан, «ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш тартиби белгилаб қўйилган. «Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт сахифасининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт сахифасидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, худудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадрқимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳайтига аралашибашга йўл қўювчи ахборотни тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, порнографияни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланишига йўл қўймаслиги шарт этиб белгилаб қўйилган»[5]. Демак, ҳар бир инсоннинг ахборотдан фойдаланиш, уни олиш ва тасаррув этиш хуқуки қонун билан кафолатланган бўлсада, бу айрим ижтимоий тартиботни, хавфсизлик қоидаларини бузиши қонун билан тақиқланади. Бу эса, улардан ҳабардор бўлиш, турли ижтимоий таҳдидларни келтириб чиқарувчи сайтлар сифатида тақиқланган сайтларни билиш ва улар билан ахборот алмashiшда эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Қонун уни биламасликдан ҳимоя қила олмагани каби, тарли ахборий таҳдидларга учраб, ёки ёлғон ахборот таъсирига тушиб қолиш жавобгарликка тортилиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпроқ хорижий сайтлар ва сахифалардан кўпроқ маълумотлар олувчи, алмашувчи хорижий тил йўналиши талабларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий қараш ва аналитик таҳлил қилиш кўникумларини ривожлантириш бу таъсиrlарни олдини олиши мумкин.

Ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришга доир хорижий тақрибалар таҳлили асосида бир катор ривожланган мамлакатларда носоғлом ахборот оқимларининг олдини олиш, бартараф этиш ва унга қарши қурашишнинг ўзига хос қонунчилик тизими яратилганлигидан далолат беради. Жумладан, бу борада халқаро амалиётдаги «Кибер жиноятлар тўғрисида»ги конвенция, «Вояга етмаганлар учун хавфсиз интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида»ги Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари, Германиянинг «Талабаларни ҳимоялаш тўғрисида»ги, Литванинг «Вояга етмаганларни оммавий ахборотнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, АҚШда ўн етти ёшгача бўлган болаларни жисмоний ва руҳий ривожланиш жараённада интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишини тартибга солувчи нормаларни ўзида акс эттирган қонун ҳам қабул қилинади. Мазкур қонун «вояга етмаганлар учун заарли бўлган расмлар, тасвиirlар,



графиклар, аудиоматериаллар, видеофайлларни интернет тармоғида жойлаштирганлик ва тарқатғанлик учун жавобгарлик масалаларини назарда тутди. Шу билан бир қаторда қонун ота-оналар, тарбиячилар, саноат вакилларининг вояға етмаганларни интернетдаги салбий ахборотлардан ҳимоя қилишга мажбурлигини белгилаб қўйди»[6]. Бошқа бир мамлакат Францияда қабул қилинган қонунга кўра, давлатга интернетни тартибга солиш, интернетдан фойдаланиш борасида мониторинг қилиш ҳуқуқи берилган. Унга кўра эндиликда интернетга кирганлик ҳақидаги барча ахборотлар миллий маълумотлар базасига йўлланади.

Ахборот хуружи аввало, талаба-ёшларга қаратилар экан, бу хуружнинг салбий сиёсий қарашларни шакллантирувчи омилларини кескин равишда педагогик-психологик жиҳатдан бартараф этиш, шу билан бирга ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатни шакллантириш устувор вазифалардан бири башлиб қолмқода. Ахборот хуружи инсон, жамият онгига манфаатли ахборот таъсири бўлиб, унинг хулқ-авторини ўзгартиришга ёки уни барқарорлаштиришга қаратилган. Ахборот хуружининг манбалари хилма-хил. Уларнинг субъекти сифатида оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, оддий китоб, фильм, ҳайкал, расм ва ҳоказолар ҳам чиқиши мумкин. Ахборот хуружи обьекти эса – бу бир индивид ёки ижтимоий гурух, давлат. Бугун замонавий жаҳонда жамият соҳаларининг такомиллашуви, кишиларнинг интеллектуал даражасининг ошиши ахборот хуружи механизмларини такомиллаштиришни ҳам талаб этади. Чунки бу муайян жамият устидан ҳукмронликни ўрнатишнинг қулай ва самарали усули деб қаралади. Ўз навбатида ахборот хавфсизлиги масаласи долзарблашиб бормоқда, сиёсий, ижтимоий институтлар томонидан фуқароларнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлашга, ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришга эътиборини кучайтиришга сабаб бўлмоқда. Ахборот хуружининг кўринишлари хилма хил бўлганлиги боис, уларнинг ҳар бирини ўрганиш ва салоҳиятини таҳлил этиш ва шу аснода уларга қарши иммунитетни шакллантириш лозим.

Ҳозирги вактда ахборот хуружларининг қуйидаги турлари кенг тарқалган: давлатнинг миллий сиёсатини атайин танқид қилиш; сохта хабарлар тарқатиш; ижтимоий онгни манипуляция қилиш; кичик муаммони катта, йирик муаммо сифатида тасвираш; талабаларни чалғитиш; миллий қадриятларни нотўғри талқин қилиш; етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш; ҳалқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш; кибертерроризм. Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишнинг умуммиллий манбаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларини чукур англаш зарур бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, тадқиқот натижалари бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш – бўлажак касб эгаси сифатида бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидалари, маънавий-ахлоқий идеаллари, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғояларга қарши курашиш малакасини таркиб топтириш билан алоқадорлигини кўрсатди. Шу билан бирга айнан ижтимоий онгда ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантириш миллат маънавиятини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолатда ўқитишнинг янгича технологияларини ишлаб чиқиш, ўқииш методикасини такомиллаштириш ва замонавий билимларни чукур ўзлаштиришини талаб этади.



Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг  
асосий йўналишлари

Ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурс-ларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

Давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

Халқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

Ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

Ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулагай шароит яратиш;

Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришдан иборат

**1-жадвал. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Глобал ахборт алмашинув маконида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари онгига таъсир эттаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал уларнинг ижтимоий хулқида қўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири ташвишланиш, нимадандир чўчиш ва шу туфайли ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишига интилиш ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар, психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, бу шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий мўтадилликни асрash учун ўзидағи хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишига, улардан ҳалос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрashга, психологик дискомфортни бартараф этишига хизмат қиласди.

Ахброртлашган жамиятда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришда ва ўз-ўзини ҳимоя қилишни бошқаришда қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим:

Биринчидан, бўлажак хорижий тил ўқитувчиси учун мустақил фикрга эга бўлиш муҳим. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин. М.Қуронов таъбири билан айтганда, «мустақил



фиркга мустақил (эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида) – ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган каби маъноларидан келиб чиқиб қарашимиз лозим. Бунда ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз, ўзича фирм юритиш, яшаш тушунилади. Ёшлар шунга қодирми? Уни шунга ўргатяпмизми?»[7]. Шундай экан, ҳар бир ёшни кичиклик давриданоқ мустақил фирмлашга ва фаолият юритиш кўнижмаалрини тарбиялаш, уларда фокеъликка танқидий муносабатни шакллантириш керак бўлади.

Иккинчидан, бўлажак хорижий тил ўқитувчилари турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда миллий ғуурни тарбиялаш ва бунда фанларапо алоқадорлик ҳамда тарбиявий мулокотлардан оқилона фойдаланиш зарур. Масалан, мустақиллик йилларида қўлга киритилган қатор ютуқлар: ажодларимизнинг номлари, миллатимизнинг азалий шарафи тикланди; дунё ўзбек ҳалқининг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини тан олди; Тошкент 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деган юксак шарафга сазовор бўлди. Буларнинг барча-барчаси талабалар учун буюк ибрат вазифасини бажаради ва уларни очиқ фирм алмашинувига чорлаш орқали миллий ғуурни уйғотади. «Янги замоннинг янги тушунчалари» тахлилига эътибор қаратар экан, М.Қуронов миллий ғуур тушунчасининг моҳиятини қўйидаги тарзда содда ва тушунарли ёритиб берган: «Миллий ғуур – талабанинг ёшига мос равиша ўз ҳалқининг қадр-қимматини билиши, иззатлаши; унинг маданияти, маънавияти, иқтисодиётида қўлга киритган ютуқлари, хизматлари, бой меросини билиши ва ана шу юксак миллий маданий ютуқларга мос бўлишга, уларни бойитишга интилишини ўз ичига олади»[8]. Миллий ғуурнинг аҳамияти ҳам ана шунда, бундай фазилатга эга талаба нотўғри ғояларга, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғуури бор инсонд иймон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу қадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирамайдиган «компас» ролини ўйнайди. Интернет шундайўрмонки, унда компасизориб бўлмайди.

Тўртинчидан, профессор-ўқитувчилар томонидан айтиладиган ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини таъминлаш зарур. Ўқитувчи томонидан қўйидаги фирм мунтазам тақорлаб турилиши зарур: Ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъ-харакатларининг оқибатлари нима билан тугашини ҳар бир машғулотнинг ташкилий қисмida эсга солиб туриш лозим.

Ҳозирги даврда инсон интеллектуал салоҳияти ва фанларнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришнинг янги сифат даражаларини ва глобаллашиш имкониятларини намоён қилмоқда, яъни, инсоннинг доимий ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиатни ўзлаштириш учун ўзгартириш фаолиятида ахборот ролининг устуворлашиш қонуниятини эътиборга олсан, унинг ахборот маданияти глобаллашувидаги аҳамиятини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда ахборот маданиятининг ҳозирги глобаллашув даражасида эришилган ижобий ёки «салбий» натижалари, анъанавий индустрисал (ҳозир постиндустриал-ахборотлашган, инновацион-технологик ахборотлашган) ривожланган мамлакатларга ҳамда миллий тараққиётда (аниқроғи, мустақилликка эришган) «учинчи дунё» давлатларга дифференциаллашган тарзда таъсир кўрсатади. Хусусан, унинг ижобий таъсири, дунё давлатларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларида техника, технология, инвестиция, интеллектуал салоҳият, ахборот айрибошлиш инфраструктураси ва коммуникациясини ривожлантириш учун имконият яратиш билан характерланади. Салбий оқибатлари давлатларнинг (аксарият ҳолатларда, ижтимоий бирликлар ва шахс даражасида)



бокимандаликка, қарамликка, мутеликка, эгоизмга, индивидуализмга, «миллий кибрга», «миллий маргиналлашувга», «оммавий маданиятга», ғайриинсоний ҳаракатларга, девиант хулқ-атворга мойиллик кайфиятларини кучайтиради.

### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. – Б. 17.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б.19.
3. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаблари талабаларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2016. –Б.120-122.
4. Каримова В. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўзини-ўзи ҳимоялаши. /Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жорий архиви, 2006.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўплами. – Т.: Адолат, 2008. –Б. 290.
6. 105th Congress Report House of Representatives 2d Session 105 775 Child online protection act October 5, 1998.
7. Куронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз (Ота-оналар учун). – Т.: Маънавият, 2013. –Б. 120.
8. Куронов М. Болам баҳтли бўлсин, десангиз (Ота-оналар учун). – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 153..